



Хазрат Навоий китоблари мумтоз анъанага мувофик Аллохга хамду сано, Пайгамбаримизга салавот, тўрт улуг саҳобага мактов ва шу асар ёзилишига сабабчи бўлган зотларга тазкира, васф ва таъриф билан бошланади. Жумладан, “Лисонут тайр” достонида Пайгамбаримизга (у зотга Аллохнинг салоти ва саломи бўлсин) энг якин саҳоба Абу Бакр Сиддик (Аллох ундан рози бўлсин) таърифлари куйидагича:

Улки султони расулнинг ёридур,
Сониъи иснайн изхумо филгоридур.

Навоий хазратлари ушбу байтда “Савр гори вокеаси”ни: “...икки кишининг бири сифатида (ватанидан) чикариб юборганларида, икковлари горда туриб...” (Тавба, 40) оятидаги мазмундан келтирмоқдалар. Хижрий сананинг бошланиши ушбу тарихий ходиса билан богликдир.

Алишер Навоий Аллох розилиги йўлида чинакам дўстлар қандай бўлишини баён қилиш мақсадида, кейинги байтларда Савр гори вокеасини тафсилотлари билан ёзади.

Гор аро Ёрига айлаб жон нисор,
Ёри онинг отин айлаб ёри гор.

Байтнинг мазмунида хазрат Абу Бакр Сиддик (Аллох ундан рози бўлсин) Расулulloхни горда етиши мумкин бўлган барча хавф-хатардан асраш учун жонини тикишга шай тургани баёни келмоқда. Хикоятларда айтилишича, Расулulloх (у зотга Аллохнинг салоти ва саломи бўлсин) бир оз дам олиш учун Абу Бакрнинг (Аллох ундан рози бўлсин) оёқларига бошларини қўйиб, уйкуга кетадилар. Шу вақтда Абу Бакрнинг оёгини илон чақади. Расулulloхнинг ширин уйкуларини бузмаслик учун Абу Бакр огрикка бардош беради. Лекин бир томчи ёши у кишига бўйсунмасдан кўзларидан сизиб чиқадида, Пайгамбаримизнинг муборак юзларига томади. Шунда Пайгамбаримиз уйғониб: “Эй Абу Бакр, сизга нима бўлди?” деб сўрайдилар. Хазрат Абу Бакр (Аллох ундан рози бўлсин): “Ё Расулulloх, ота-онам сизга фидо бўлсин, мени илон чакди”, деб жавоб беради. Пайгамбаримиз жарохат ерига муборак туфукларини суртиб қўйганларида, дўстлари огрикдан халос бўлади. Мана шу иш сабаб Пайгамбаримиз у кишига “Гордаги дўстим” деб мурожаат қиладилар.

Куйидаги байтлар орқали биз у Зотга дўстларининг муҳаббати абадий экани, хаёт

чоғларида кандай садокатли бўлсалар, вафотларидан сўнг ҳам дин, имон ҳамда дўстларига вафодорликда собит эканларининг гувоҳи бўламиз:

Мустофодин сўнгра ахли иртидод
Чун хилофатха ул ўлди истинод:
Дин тарикида адоват туздилар,
Ким хужум айлаб жадал кўргуздилар.
Бергали ислом рукнига халал
Ким закот эрди аён айлаб жадал.
Ул газаб айлаб бу навъ этти хитоб:
Ким набий хонунидин бир ришта топ,
Ўксумак тағйир ила имкони йўк.

У зотнинг вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддик (Аллох ундан рози бўлсин) халифа бўлди. Шу вақт мусулмонлар ўртасида муртадлар ҳамда закот беришдан бош тортган кишилар пайдо бўлишди. Абу Бакр Сиддикка (Аллох ундан рози бўлсин), қай бир то ифа билан уруш қилинади, деб маслаҳат солинганида: “Аллохга касам, агар Расулуллохга (жуағ) бериб турган бир улоччани бермай қўйса, сўнгра улар билан дову дарахт, тоғу тош ва инсу жин келса ҳам, рухим Аллохга эришгунча, курашаман”, деб закотдан бош тортган кишиларга биринчи бўлиб қарши чиқади.

Навоий хазрат Пайгамбаримиз ҳамда у Зотнинг дўстлари мисолида чин дўст канака бўлиши лозимлигини, бу дўстлик курук ваъдаларга эмас, балки ўзаро ишонч, мустаҳкам имон-эътикод, хатто гоҳида жонфидалиқни ҳам талаб қилишини кўрсатиб бермоқдалар.

Ўқувчи хазрат Алишер Навоий асарларида Пайгамбар ва чохорёрларининг ёркин сийратларини кўради, бу сиймолар ҳаётдан ибрат ва тарбия олади.

Обидхон ИКРОМОВ,
Наманган шаҳар “Мулла Қирғиз”
Ислом ўрта махсус билим юрти ўқитувчиси